

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMACINING
ҚАРОРИ

659 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий газ етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий газ етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 10 июль,
484-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 10 июлдаги 484-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий
газ етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АК, шунингдек уларнинг бўлинмалари билан Бюрога юкланган вазифаларни амалга ошириш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом етказиб берилган электр энергияси ва табиий газ учун қарздорлиги мавжуд истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибига татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан қўлланилади:

истеъмолчи — электр ва газ таъминоти шартномасига мувофиқ электр энергияси ва табиий газдан ишлаб чиқариш ва (ёки) маиший эҳтиёжлар учун фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахс;

энергия ресурсларини етказиб берувчилар — «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек истеъмолчиларга электр энергияси ва табиий газни етказиб беришни таъминловчи, ишончли бошқариш тўғрисидаги шартнома асосида фаолият юритувчи бошқа ташкилотлар.

**2-боб. Энергия ресурслари етказиб берувчиларнинг
ходимларини Бюро фаолиятига жалб этиш тартиби**

4. Бюро ва унинг ҳудудий бўлинмалари электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш, шу жумладан электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда уларни талон-торож қилиш йўллари тезкор аниқлаш мақсадида зарур мутахассисларни жалб этиш учун энергия ресурслари етказиб берувчиларга ёзма сўровлар юборишга ҳақли.

Аниқланган ҳолатлар бўйича зудлик билан қарор қабул қилиш талаб этиладиган алоҳида ҳолатларда энергия ресурслари етказиб берувчиларнинг ходимларини жалб этиш оғзаки сўров бўйича амалга оширилиши мумкин.

5. Сўров, қоида тариқасида, энергия ресурслари етказиб берувчиларнинг ҳудудий жойлашув принципи бўйича юборилади. Сўровда энергия

ресурслари етказиб берувчилар ходимларининг етиб келиш вақти ва жойи, шунингдек уларни жалб этишнинг назарда тутиладиган даври кўрсатилади.

6. Энергия ресурслари етказиб берувчиларнинг ходимларини жалб этиш уларнинг иш жойи бўйича иш ҳақи ва бошқа тўловлар тўлиқ ҳажмда сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилади.

7. Иш якунлари бўйича тегишли ходимнинг фаолияти ҳақида далолатнома тузилади, унинг нусхаси тегишли энергия ресурслари етказиб берувчиларга юборилади.

3-боб. Маълумотларни алмашиш ва солиштириш тартиби

8. Энергия ресурслари етказиб берувчилар Бюро томонидан тақдим этилган, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АКнинг биллинг тизимига киритилган кўрсаткичлар асосида ҳар бир истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақами бўйича якуний ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ҳамда натижаси бўйича фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчилар реестрини шакллантирадиган, кейинчалик ушбу маълумотлар Бюрога тақдим этилади.

9. Энергия ресурслари етказиб берувчилар ҳар ойнинг ўн биринчи санасидан бошлаб ҳар куни Бюронинг туман (шаҳар) бўлимларига фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг электрон реестрларини юборади.

10. Бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари реестрларда кўрсатилган маълумотларни Бюронинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва ресурсларидаги маълумотлар билан солиштиради.

11. Бюро ва унинг ҳудудий бўлинмалари «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АКнинг биллинг тизимларига мажбурий тартибда уланади.

4-боб. Тафовутларни аниқлаш тартиби

12. Энергия ресурслари етказиб берувчилар Бюро билан биргаликда ҳар ойнинг ўн бешинчи санасига қадар бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ ҳажми ҳамда тегишли участкалар чегараларидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасида тафовутлар мавжудлигини аниқлайдилар.

13. Бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ ҳажми ҳамда тегишли участкалар чегараларидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасида тафовут мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

14. Олинган маълумотлар асосида Бюро энергия ресурслари етказиб берувчилар билан биргаликда тафовутнинг юзага келиши сабабларини, шу жумладан электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланиш, уларни талон-торож

қилишнинг мумкин бўлган йўллари топиш орқали аниқлаш бўйича белгиланган тартибда чоралар кўради.

15. Ҳар бир ҳисобот йили яқунлари бўйича «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АК электр энергияси ва табиий газ балансида юзага келган тафовутлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қиладилар.

5-боб. Электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ўрнатишда ҳамкорлик қилиш

16. Электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш энергия ресурслари етказиб берувчиларнинг ходимлари томонидан Бюро туман ва шаҳар бўлимларининг электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари иштирокида амалга оширилади.

17. Электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари энергия ресурслари етказиб берувчиларнинг ходимлари томонидан Бюро туман ва шаҳар бўлимларининг электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари иштирокида ташқи таъсирдан юқори даражали ҳимоя ҳамда фарқловчи белги билан пломбланади.

18. Истеъмолчиларга электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ҳамда уларни пломбалаш истеъмолчилар иштирокида амалга оширилади.

19. Электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва пломбалаш ҳақида уч нусхада далолатнома тузилади, у энергия ресурслари етказиб берувчилар ва Бюронинг масъул ходимлари ҳамда истеъмолчи томонидан имзоланади.

6-боб. Биргаликда тушунтириш ишларини ўтказиш

20. Истеъмолчиларнинг фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ ҳақини ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўлаш маданиятини ошириш мақсадида Бюро ва унинг бўлинмалари томонидан энергия ресурслари етказиб берувчилар билан биргаликда тушунтириш ишларини амалга ошириш бўйича ҳар чоракда режалар тузилади.

21. Тушунтириш ишлари режаларида қуйидагилар назарда тутилади:

электр энергияси ва табиий газ истеъмолчилари, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари, тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар ходимлари билан мунтазам учрашувлар ўтказиш;

оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш ва материаллар чоп этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари вакилларини жалб этиш, шунингдек

юқланган вазифаларни самарали бажаришга доир бошқа тадбирларни амалга ошириш.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

22. Бюро ўзига юқланган вазифалар ва функциялардан келиб чиққан ҳолда, энергия ресурслари етказиб берувчилар билан фаолиятнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам ҳамкорлик қилиши мумкин.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 10 июлдаги 484-сон қарорига
2-ИЛОВА

Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом шартномавий мажбуриятларни, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) кўрсатмаларини бажармаганлик учун, шунингдек ушбу Низомда назарда тутилган бошқа ҳолатларда истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

истеъмолчи — электр ва газ таъминоти шартномасига мувофиқ электр энергияси ва табиий газдан ишлаб чиқариш ва (ёки) маиший эҳтиёжлар учун фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахс;

энергия ресурсларини етказиб берувчилар — «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек истеъмолчиларга электр энергияси ва табиий газни етказиб беришни таъминловчи, ишончли бошқариш тўғрисидаги шартнома асосида фаолият юритувчи бошқа ташкилотлар.

3. Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда, шу жумладан ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларига кўрсаткичларни олиш учун рухсат этилмаганда;

электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки

электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда.

4. Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш ҳамда уларни қайта улаш Бюро томонидан амалга оширилади, ушбу Низомнинг 5 — 7-бандларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5. Авария ҳолатида истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш энергия ресурсларини етказиб берувчилар томонидан, Бюрони хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

6. Истеъмолчини унинг аризасига (талабига) биноан электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш энергия ресурсларини етказиб берувчилар томонидан амалга оширилади.

7. Алоҳида тоифадаги электр энергияси истеъмолчиларини кучланиши 6 — 10 кВ ва ундан юқори бўлган тармоқдан узиб қўйиш Бюронинг мажбурий тақдимномалари бўйича электр энергияси етказиб берувчи томонидан ушбу Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

8. Бюро ходимлари ва улар томонидан жалб этиладиган мутахассислар истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш ҳамда уларни қайта улаш ишларини ўтказишда зарур хавфсизлик чораларини кўришлари шарт.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 5-иловада, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-бандида кўрсатилган корхоналар фақат суднинг қарори бўйича узиб қўйилиши мумкин.

10. Бюро истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйишда, уларни қайта улашда, шунингдек улар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини аниқлаш мақсадида истеъмолчилар биноларини кўздан кечиришда «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК ва уларнинг бўлинмалари мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш ҳуқуқига эга.

2-боб. Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби

11. Истеъмол қилинган электр энергияси ва табиий газ учун қарзи мавжуд бўлган истеъмолчилар рўйхати энергия ресурсларини етказиб берувчилар томонидан ҳар ойнинг ўн биринчи санасидан бошлаб ҳар куни шакллантирилади ҳамда ягона электрон идоралараро ахборот тизими орқали Бюрога тақдим этилади.

12. Бюро электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун қарзлари мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг энергия ресурсларини етказиб берувчилар томонидан шакллантирилган ва тақдим этилган рўйхатлари асосида истеъмолчиларни қарзни беш кун муддатда тўлаш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади.

13. Бюро истеъмолчилар хабардор қилинган пайдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан кейин қарзларни мажбурий, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

14. Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Бюронинг туманлар (шаҳарлар) электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини назорат қилиш гуруҳи (шўъбаси)нинг давлат назоратчиси уларни электр ва газ тармоқларидан дархол узиб қўйиш, электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

15. Электр энергияси ва табиий газ истеъмолчилари узиб қўйилган электр ва газ тармоқлари манбалари Бюро ходимлари томонидан назорат тартибда мажбурий пломбаланиши шарт.

16. Бюронинг туманлар (шаҳарлар) электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини назорат қилиш гуруҳи (шўъбаси)нинг давлат назоратчиси томонидан истеъмолчи электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилганда тармоқдан узиб қўйиш ҳақида икки нусхада далолатнома расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади.

17. Истеъмолчи далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда далолатномага бу ҳақда тегишли ёзув киритилади. Бош тортиш икки нафар гувоҳ ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши лозим. Бунда истеъмолчи далолатномада унинг мазмуни бўйича тушунтириш ва эътирозларни, шунингдек имзолашдан бош тортиш сабабларини баён этиш ҳуқуқига эга.

18. Бюронинг туманлар (шаҳарлар) электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини назорат қилиш гуруҳи (шўъбаси)нинг давлат назоратчиси томонидан электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилган истеъмолчилар ҳақидаги маълумотлар ягона электрон идоралараро маълумотлар тизимига киритилади.

3-боб. Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларига қайта улаш тартиби

19. Истеъмолчилар қуйидаги ҳолларда электр ва газ тармоқларига қайта уланади:

электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишда йўл қўйилган қоидабузарликлар бартараф этилганда;

истеъмол қилинган электр энергияси ва табиий газ учун қарзлар тўланганда;

қайта улаш учун ушбу Низомнинг 23-бандида белгиланган миқдордаги сумма тўланганда.

20. Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларига қайта улаш улар Бюронинг тегишли ҳудудий бўлинмасига, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш йўли билан мурожаат қилганда амалга оширилади.

Бюро томонидан истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларига қайта улаш қарзлар тўлангандан кейинги кундан кечиктирмай амалга оширилади.

21. Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун истеъмолчилар тармоқдан узилганда, уларни тармоққа қайта улаш Бюро томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш сабаблари ва шароитлари бартараф этилганлиги нуқтаи назаридан истеъмолчиларнинг бинолари кўздан кечирилгандан кейин амалга оширилади.

22. Қайта улаш якуни бўйича икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади.

4-боб. Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларига қайта улаш учун тўлов

23. Электр ва газ тармоқларидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда истеъмолчи — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида, истеъмолчи — юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилади, ушбу маблағлар қайта улашни амалга оширган Бюро бўлинмаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

24. Ушбу Низомнинг 5 ва 6-бандларига мувофиқ электр энергияси ва газ тармоқларидан узиб қўйилган, шунингдек электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимларига уланган истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларига қайта улаш учун тўлов ундирилмайди.

5-боб. Якунловчи қоида

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб беради.